

ОИЛАДА КИТОБХОНЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

*Эрйигитова Л.А., Шокирова М.Н.
Central Asian Medical University*

Азалдан инсоният яралибдики, илмга, маърифатга интилиб келади. Бу бежизга эмас, инсоният илм – маърифат орқали маданий жамиятлар тузди, ўз ҳаётига маъно – мазмун киритувчи кашфиётларни амалга оширди. Бу йўлда аждодларимиздан бошлаб аввало ҳаётий тажриба ва китоб энг зарур манба бўлган. Қадимданок турли кўринишдаги китоблар яратилган. Улар қандай кўринишда ва қандай хом – ашёдан яратилган бўлмасин, ягона мақсадга – инсоннинг билимини оширишга хизмат қилган. Қолаверса, инсонларнинг яхши фазилятларидан бири ҳам ўзи олган ҳамда инсонларнинг бошқаларига ҳам зарур деб ҳисобланган маълумотларни бошқаларга улашиш зарур деб билганлар. Анашу мақсадда ҳам китоблар беминнат кўмакчи вазифасини ўтаган. Бизнинг миллатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўлида китобсеварлик хислатининг мавжуд бўлиб келганлиги ҳамма замонларда ҳам бошқа халқлар томонидан юксак сифатларимиздан бири сифатида эътироф этиб келинган. Китоблар орқали маърифатга интилиш қандай натижаларга олиб келганлиги ҳусусида халқимиз тарихидан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Дунё илм - фан тараққиётида ўзига хос ўрин тутган буюк алломаларимиз ҳаёти, юртимизда яратилган кўплаб кашфиётлар фикримизга далил бўла олади.

Оила қадриятларимизда ва фарзандлар тарбиясида ҳам китобхонлик алоҳида аҳамиятга эгадир. Кўп ўқийдиган ота – оналар фарзандларини китоб орқали тарбиялашга ҳаракат қилишади. Бундай ота оналар ўз болаларини ўқиган китобларидаги қаҳрамонлари каби бўлишлигини истайдилар, ижобий қаҳрамонларнинг фазилятларини фарзандларида кўришни хоҳлайдилар. Бундай тарбия усулида катталар ҳаёлот дунёсига кириб кетишдан сақланишлари керак.

Оилада китобхонлик тарғиботида оналарнинг ўрни беқиёс. Фарзандларга китобга муҳаббатни сингдириш болаларнинг илк гўдаклигиданок айтилган аллалар, эртақлар орқали сингдирилмоғи лозим.

Оналар ўзи айтган аллаларида фарзандлари билан боғлиқ бор эзгу тилақларини, унинг келажагидан умидвор бор яхши ниятларини баён қилади. Бу қайсидир даражада уни тинглайдиган фарзандда мақсад мотивларининг шаклланишига тўртки бўлади.

Оналар болаларига улар эсини таний бошлаганидан бошлаб эртақ, дoston, ҳикоя ва ривоятларни баланд овоз чиқариб ўқиб берсалар, ифодали ўқиш, баъзи жойларда ўқиб берилаётган материални таҳлил қилиб борилса болани шу манбага ва у орқали китобга қизиқиши ортади. Ўқилган китоблар ҳақида оила даврасида фарзандлар билан муҳокамалар олиб борилиши ҳам тарбияда яхши натижа беради, оилавий китобхонлик муҳити яратилади. Шеър ёдлашлар бола хотирасини кучайтиради. Фарзандлармизни ўқиган китоблари ҳақида фикрларини сўраш, ёдлаб берган шеърлари учун оила даврасида рағбарлантириш уларнинг камолотига хизмат қилади.

Оилавий китобхонликни шакллантиришнинг биринчи шarti оилада китоблар сонини кўпайтириш ва кутубхоналарга аъзо бўлишни йўлга қўйишдир. Ахборот коммуникация хизматлари ривожланган бугунги кунда ўқимишли, турли тилда ҳамда мавзудаги китобларга бўлган эҳтиёжни қондириш қийин эмас. Болаларга янги китоблар сотиб олиб бериш, синфдан ташқари ўқиш йўналишидаги китобларни саралаб бериш ва тез – тез шеър ёдлатиш ҳам китоб ўқиш тарғиботидаги яхши восита. Оилада кичик бўлса ҳам оила кутубхонасини яратишга ота – онада истак бўлиши керак. Фарзандларга турли байрамларда ва бошқа сабаблар билан китоб совға қилиб туришлик ҳам фарзандларимизнинг китобга меҳр қўйишига ҳисса қўшади. Китобхонлик тарғиботидаги энг самарали таъсир бу ота-оналарнинг шахсий намунасидир. Бугун анашу масалада биз оналар оқсамаяпмизми?

Ҳаммамизда китобга катта меҳр уйғотган онамиз эканлигига биз катта авлод амин бўламиз. Лекин бугун биз оналаримизни шундай жиҳатларини ўзимизга ўзлаштири олдикми? Ёки рисоладагидек она, келин, яна қайсидир мақомларга эга бўла олдикми?-деган савол қаршида аксариятимиз анчайин қийналамиз, қайсидир маъсулиятларимни яхши бажара олмагандек ҳис қиламиз.

Оналаримиз сингари минглаб бизнинг миллатдаги аёлларимиз фарзандларига ўз ўтмишидан фахрланиш ҳиссини, миллатимизга хос яна қанча кўп азалий қадриятларни ўқиб берган китоблар орқали, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланган ва ўзлари ҳам қачонлардир оналаридан, буви - момоларидан эшитганлари ибратли эртақларию, дostonлари орқали бизга - келажакларининг бор умидини боғлаган фарзандларига оддий, халқона йўл билан сингдирган эканлар.

Бугун бизни ўйлантираётган муаммо ўсиб келаётган ёш авлодга ватанпарварлик туйғусини сингдириш аввало оиладан бошланишидини аждоқларимиз биздан кўра теранроқ англаб етгандек. Улар авлодлар давомийлиги – ворисийлик тушунчасига биздан кўра кенгроқ ва маъсулиятлироқ ёндашгандек. Нима зарару, нима камолатга етаклашини излашни бошлаган пайтимизданоқ энг беминнат ва энг катта йўриқчимиз китоб эканлигини оналаримиз китоб ўқиб беришлари орқали англаган эканлар.

Бугун эса кўпимиз фарзандларимизга, оиламизга кўпроқ вақт ажратиш зарурлигига жиддий ёндашмаганлигимиз сабаб тарбия борасида муаммоларимиз келиб чиқмаяпдими?

Китоб ўқиш бу энг катта саодатга элтувчи йўл эканлигини биз оналар ёшларга сингдиришимиз зарур. Қолаверса, инсоният яралганидан буён илмга, зиё ва маърифатга интилиб яшайди. Анашу китоблар аслида инсоният маънавий бойлигини, ҳеч тугамайдиган буюк хазинани аждоқлардан авлодларга ташигувчи беминнат дастийёрлар, инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, қалб жароҳатларини даволовчи табиби ва яна қанча – қанча номлар билан аташимиз мумкин бўлган маънавий йўриқчиси эканига нечанчи бор амин бўламиз.

Ҳар бир миллий адабиётда ҳам вақти-вақти билан шундай асарлар пайдо бўладики, уларнинг аҳамияти бадий эстетик, маърифий қиммати билангина эмас, балки, биринчи галда жамиятга кўрсатаётган катта ижтимоий сиёсий таъсири билан белгиланади. Ҳақ ва ноҳақлик, имон ва рўё, мухаббат ва нафрат каби алоҳида мавзулар бўрттирилиб марказига чиқариладиган маълум гуруҳ ва ёшдаги кишилар танлаб ўқиши ўқиши мумкин бўлган китоблардан фарқи ўлароқ бу асарларни бутун бир миллат - ёши, жинси, жамиятдаги вазифасидан, дунёқараши ва савиясидан қаътий назар ўқимоғи ва укмоғи керак бўлади. Чунки бундай асарларда айни шу халқнинг маълум бир тарихий босқичдаги ижтимоий вазияти, аҳвол руҳияти, маънавий иймон қиёфаси ва тахминий келажаги яхлит ҳолда ўз ифодасини топади. Энди бу тақдир бир инсон ёки оиланики эмас, бутун миллат ва мамлакатники экани билан диққатни ўзига тартади. Бизнинг миллий адабиётимизда худди шу каби асарлар кўплаб яратилган ва дунё буни бугунга қадар ҳам эътироф этиб келади. Қолаверса адабиёт ва унда яратилган энг сара асарларга замон ва вақт чегарасиздек. Бугунги ёшларнинг барчалари ҳам оила қадриятлари масаласида етарли билим ва тушунчага эга эмас. Бунга эса биз катталар - ота-оналар айбдоримиз. Бугунги ота-оналарнинг аксарияти, тўғрироғи оила меъзонида таърифласак, қайнона-қайноталарнинг аксарияти советлар тузуми даврида тарбияланган авлод вакиллари. Ўтган тузум давридаги тарбиянинг бош мақсади эса бутунлай бошқа мақсадга хизмат қилишга йўналтирилган эдики, шу мақсадга эришиш йўлида аввало халқимиз маънавиятининг ажралмас қисми бўлган оила қадриятлари ва миллий урф – одатларимизни йўқ қилишга урунишлар бўлди. Хусусан, китобхонлик маданиятимиз ҳам мавжуд ҳуқумрон мафкура доирасига киритилди.

Бугун шулар ҳақида фикр юритар эканмиз, оила тарбиясида оналар томонидан фарзандларга китоб ўқиб беришлик уларнинг келажаклари учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини англагандек бўламиз. Ота-оналар бизнинг оила қадриятларимизда бола онгига китобнинг мўъжиза эканлигини, дунёда энг катта нажот эса-маърифат эканлигини ва бу маърифатга китоб ўқиш орқалигина эришиш мумкинлигини, уларнинг ҳаётларининг

илк босқичлариданоқ сингдиришлари зарур эканлигини ўз вазифалари деб билишлари зарур.

Маънавиятни сингдириш учун бугунги оналарга уйғоқ тафаккур керак. Уйғоқ тафаккур эса яратиш ишқида яшаётган бедор қалбларда бўлади. Оқила,юрт тақдири ва эртаси кунни учун ўзини дахилдор билган маърифатли аёлларгина ғафлат лаззатини енгишга кодирдирлар. Бугунги жамиятимизда юртбошимиз бошчилигида хотин-қизларга эътибор масаласида олиб борилаётган сиёсат давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири эканлиги бизни мамнун этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эрайгитова Л. Оила ажримлари: муаммо ва ечимлар. Сурхон-нашр, Термиз, 2020.
2. Шокирова М. Гендерные исследования- Центральная Азия и Узбекистан. //Южная Корея, Узбекистан, 2023.
3. Фуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Тошкент, “Адолат “ нашриёти, 2023.
4. Оила энциклопедияси -Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2019.
5. Содиқова Ш.М. Оила тарбияси. –Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2019.